

## А Ж Р И М

### (Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2020 йил октябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Галаосиё” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Гайбуллаев, судья ёрдамчиси О.Боймухамедовнинг котиблигида, Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи Ж.Файзиёвнинг ҳимоячиси адвокат Ж.Хамидовнинг иштирокида,

Судланувчи: Файзиёв Журабек Уринбоевич [REDACTED] 1988 йил 30 март куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Самарқанд шаҳар “Туругли” маҳалласида яшайдиган, иш бўйича эҳтиёт чораси қўлланилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Файзиёв Журабек Уринбоевичга оид 1-1401-2001/578-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

## А И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, Файзиёв Журабек Уринбоевич 2020 йил 21 февраль куни соат 21:30ларда ўзига тегишли бўлган "Матиз" русумли 30 В 666 GA давлат белгили автомашинани Самарқанд шаҳар Даҳбет кўчаси билан Рудакий кўчаси томондан И.Бухорий кўчаси томон йўналишида бошқариб бориб, ушбу йўналишида йўл ҳаракати қоидаларининг 11-банди “Г” кичик бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур” деб кўрсатилган, 77-бандидаги “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак” деб кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, ҳаракатланиш вақтида йўналиши бўйича йўлнинг ўнг томонидан чап томонига ҳаракатланиб ўтаётган пиёда Тошниёзов Виктор Юрьевични кўргандан сўнг, унга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши, унга йўл бериши шарт ҳамда бундай имкониятга эга бўлишига қарамасдан, бошқарувидаги автомашинани бошқаришни давом этиб, автомашинани олд қисми билан пиёда В.Тошниёзовни уриб юбориши натижасида, В.Тошниёзовни оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.



Дастлабки терговда гумон қилинувчи Ж.У.Файзиев ва жабрланувчи В.Ю.Тошниёзовлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ катта терговчисининг қарорига кўра, гумон қилинувчи Ж.У.Файзиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Файзиев Журабек Уринбоевич суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ўз ихтиёри билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Тошниёзов Виктор Юрьевич суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи Файзиев Журабек Уринбоевичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишликни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи В.Ю.Тошниёзов ва гумон қилинувчи Ж.У.Файзиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED] ва химоячи Ж.Хамидовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи Ж.У.Файзиевнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчини хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишлигини инобатга олиб, гумон қилинувчи Ж.У.Файзиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи В.Ю.Тошниёзовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



**А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Гумон қилинувчи Файзиев Журабек Уринбоевич [REDACTED]  
[REDACTED] ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми  
билан айблаганга оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг  
66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан  
тугатилсин.

Жабрланувчи В.Ю.Тошнӣёзовга мазкур иш бўйича иш юритишни  
қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги  
тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд  
вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция  
тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик этувчи судья**

**Ж.Гайбуллаев**

